

Нима учун дуо ҳар доим ҳам қабул бўлавермайди?



11:02 / 31.05.2020 22781

Ҳар куни Аллоҳ таолонинг ҳузурига миллиардлаб дуолар кўтарилади.

Кўпчилигимиз «Нега дуоларим қабул бўлмапти?» дея куюниши бор гап.

Аввало, дуо қилиш одоблари ва шартларига риоя қилиш даркор. Қолаверса, ҳар қандай дуонинг ўша заҳотиёқ ижобат қилинмаслигининг қуйидаги бир нечта ҳикматлари бор.

Биринчидан, ҳар кимнинг ҳаёт йўлига алоқадор сабаблар туфайли ҳамма одамларнинг дуоси ижобат бўлиши мумкин бўлмаган нарсадир. Мисол учун, ҳамма бойлик сўрайди. Агар Аллоҳ ҳамма баналарнинг сўровини ижобат қилиб, ҳамма бараварига бойиб кетса, кўпчилик инсонлар туғёнга кетишлари, ер юзи фасодга тўлиши шубҳасиз. Аллоҳ таоло айтади: «**Агар**

Аллоҳ бандаларига ризқни кенг қилиб қўйса, албатта, улар ер юзида ҳаддан ошиб кетурлар, лекин У Ўзи хоҳлаганига ўлчов билан туширади. Албатта, У Ўз бандаларидан ўта хабардордир, ўта кўриб турувчидир» (Шуро сураси, 27-оят).

Иккинчидан, албатта, инсон дуода яхшилиқни сўраб, ёмонликдан паноҳ тилайди. Лекин яхшилиқ ва ёмонлик доим ҳам инсон тасаввуридагидек бўлмайди. У ўз ўй-хаёлидаги яхшилиқни истаб дуо қилади. Аслида эса бу унинг учун ёмонлик бўлиши мумкин. Тақдир унга бир ишни ихтиёр қилса, уни ёмонлик деб ҳисоблайди. Кейин кунлар ўтиб, унинг яхшилиқ экани аён бўлади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло айтади:

«Ажаб эмаски, ёқтирмаган нарсангиз сиз учун яхши бўлса. Ва ажаб эмаски, ёқтирган нарсангиз сиз учун ёмон бўлса. Аллоҳ биладир, сиз эса билмассиз» (Бақара сураси, 216-оят).

Учинчидан, дуо қилган инсоннинг барча ҳолатида унинг дуоси ижобат бўладими-йўқми, барибир унга яхшилиқ бўлаверади. Агар дуоси амалга ошса, у билан бахтли бўлади. Агар амалга ошмаса, ёки Аллоҳ бу дуони унга келадиган бир ёмонликнинг қайтишига сабаб қилади, ёки уни охирати учун заҳира қилади, ёки бир оз вақтдан сўнг амалга оширади, ёки дуосидан унга охиратини эваз қилади. Буни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларида таъкидлаб айтганлар:

«Ер юзида қай бир мусулмон гуноҳ аралаштирмасдан, қариндошлик алоқасини узмасдан туриб дуо қилса, албатта, Аллоҳ таоло унга ё сўраганини тезда беради, ёки ўшанинг мислича ёмонликни ундан буриб қўяди».

Термизий ривоят қилган.

Тўртинчидан, баъзилар шариат буйруқларини бажармай, қайтариқларидан қайтмай, қалбида Аллоҳга холислик бўлмай, ғофил қалб билан дуо қиладилар. Бу сабаблар унинг дуоси қабул бўлмаслиги учун етарлидир. Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга: «Дуо қилинг, мен дуоси ижобат бўладиганлардан бўлай», деганида, у зот соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Таомингни пок қил, дуоинг қабул бўлади»**, дедилар .